



## АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Максим Орешкин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида Максим Орешкин давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўтган йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширилган давлат ташрифи ва бошқа олий даражадаги мулоқотлар давомида эришилган келишувларни тасдиқланган “йўл харитаси”га мувофиқ амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиш суръатини сақлаб қолиш, саноат кооперацияси ва электрон тижорат лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, сув ҳўжалиги, олий таълим ва муҳандис кадрлар тайёрлаш, сунъий интеллект, маданий алмашинув ва спорт соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича комплекс чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни Халқаро маслаҳат кенгаши экспертлари Альфред Гузенбауэр, Александр Квасневский ва Штефан Фюлени қабул қилди.

Янги Ўзбекистонда ислохотлар стратегиясини амалга оширишга экспертлик кўмагини кўрсатиш ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари ва институтлари билан кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва жорий этиш, мамлакатимиз иқтисодиёти

тармоқ ва соҳаларини модернизация қилишга технологиялар ва инвестицияларни жалб этиш борасида амалий ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди. Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” саммитига тайёргарлик доирасида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

## Нуқтаи назар



## Буюк ўзбек йўли

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ МАҚСАДИ — ИНСОН ҚАДРИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Бугун ҳар қачонгидан жадал ривожланаётган жонажон юртимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган устувор тамойилларни ҳаётга татбиқ этишда кенг қўллаш ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаб берилган юксак самарали ёндашув доирасида бошқарув тузилмаларини чуқур модернизация қилиш ҳамда демократик жараёнларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган

ижтимоий-сиёсий ва конституциявий ислохотлар туфайли туб ўзгаришлар сари дадил қадам ташланди.


Бундай стратегик режалар асосидаги тизимли саъй-ҳаракатлар туфайли сўнгги йилларда иқтисодиётимиз икки қарра

ўсди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад уч минг долларга етди. Камбағаллик даражаси 23 фойздан 8,9 фойзгача пасайди. Мактабгача таълимда қамров 76 фойзга етказилди, олий таълимда эса 40 фойздан ошди. Буларнинг бари, ҳеч

шубҳасиз, меҳнатқаш, олижаноб ва бағрикенг халқимиз эришган улкан тарихий муваффақиятдир.

➤ Давоми 3-бетда

## Яшил макон



## БИР ТУП ДАРАХТ ҚАДРИ

4

## ТОМОРҚАДАН ҲАР МАВСУМ 300 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

Қиш чиласи чиққач, томорқа юмушлари билан андармон бўлардик. Отам эрта туриб ер чопган кишининг ишида унум бўлишини айтиб, панд-насихатдан чарчамасди. — Йигит киши кетмон урганда ер титраб кетиши керак, — дерди. — Ким қандай меҳнат қилаётганини билмоқчи бўлсанг, ишлатаётган кетмонига қара. Яхши ер чопётган кетмон юзаси ойнадек тиниқлашиб, янада кескир бўлиб кетади. Ишқўмаснинг кетмони занг босишдан нарига ўтмайди.

Отамдан эшитган бу панд-насихатларни бежиз ёдга олаётганим йўқ. Жорий йил 30 январь куни давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган йиғилишда томорқа ва деҳқончилик ерларида юқори даромадли экинлар етиштириш бўйича янги ғоя ва ташаббуслар илгари сурилгани томорқачилар руҳини кўтариб, янги ташаббусларга ундамоқда.

Бувайда туманидаги “Тепалик” маҳалла фуқаролар йиғини томорқачилари қиш мавсумида ҳам изланиш ва интилишдан тўхтамайди. Бу ерда иссиқхонада сархил сабзавот етиштириш кундан кунга оммалашиб борапти. Сабаби ишнинг кўзини билганлар ҳар қарч ердан унумли фойдаланиб, меҳнатидан барака топмоқда.

➤ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: МУНОСАБАТЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ

Ўзбекистон кейинги йилларда юритаётган фаол ташқи сиёсати натижасида нафақат ён қўшнилар, балки жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган кўплаб мамлакатлари билан ўзаро стратегик шериклик муносабатларини ўрнатмоқда. Малайзия ана шундай давлатлардан бири.

Кўплаб экспертлар фикрича, Малайзия Жануби-Шарқий Осиё минтақасида ҳар томонлама ривож ҳамда эришган натижалари билан иқтисодиётда мўъжиза яратган олган. У сўнгги 25 йил ичида

аграр мамлакатдан саноатлашган, иқтисодиёти энг рақобатбардош давлатлардан бирига айланди.

➤ Давоми 2-бетда

## Ислохотлар амалда

# АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗНИ УНУТИБ ҚЎЙМАСАК...



Бир пайтлар асосий муаммо қишлоқ ҳўжалигидан иборат эди. Кўпчилик режани бажаришу аҳолини ишга жалб этишдан бўшамасди. Ҳатто бошқа соҳа вакиллари ҳам ўз вазифаси қолиб, дала чопиғига, сув тараздан тортиб, пахта теришгача бўлган юмушларга сафарбар этиларди. Ўша вақтлар аҳоли фаровонлиги, турмуш тарзини яхшилаш каби ечимини кутаётган кўплаб масалалар борасида бир муддат бўлса-да, ўйлаб кўрилмагани ҳам чин. Тиббиёт, таълим каби қатор йўналишлар оқсаб қолгани сир эмас.

Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги Ўзбекистонни бунёд этиш ҳаракати бошланди. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини рози қилишга асосий эътибор қаратиш зарурлиги белгиланди. Жумладан, ҳар бир тизимда инсон қадр

устуворлиги белгилаб берилди. Айни пайтда мазкур жараён давом этмоқда. Бунинг ҳар бир ҳудуддаги ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

➤ Давоми 2-бетда

# Ислохотлар амалда АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗНИ УНУТИБ ҚЎЙМАСАК...

## Бошланиши 1-бетда

Хусусан, туманимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб шароит яратиш борасида ўтган бир йилда салмоқли ишлар бажарилди. Мисол учун, йил бошида 60 мингга яқин кишининг бандлигини таъминлаш, жумладан, 8218 нафарини доимий, 44 минг 558 нафарини мавсумий ва 5367 нафарини вақтинчалик ишга жалб этиш бўйича режа тузилди. Йил давомида бу режа амалда 121,9 фоиз бажарилди.

“Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича 1268 фуқарога 7,8 миллиард сўм ажратилди. Бундан ташқари, тумандаги 435 та камбағал оила ташкилотларнинг 87 нафар раҳбари ҳамда ўринбосарларига бириктирилди. 200 та камбағал оилга ёрдам кўрсатилиб, камбағалликдан чиқарилди. “Бунёдкор” МФЙда яшовчи фуқаро Ирода Гафоровага нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилиб, бандлиги таъминланди. “Нурафшон” МФЙдаги Анзират Жўраева, “Дарча” МФЙдаги Муҳташам Рашидов ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилиб, бандлиги таъминланди. “Нурафшон” МФЙдаги Анзират Жўраева, “Дарча” МФЙдаги Муҳташам Рашидовга ҳам зарур маблағ берилиб, хонадонда даромадли иш билан шугулланиши учун шароит яратилди.

Жорий йилда 2953 та оилани камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган. Ҳозирда бу бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бошланган. Шунингдек, ўтган йили ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, 211 нафарининг ишга жойлаштирилишига эришилди. Касаначилик йўналишида 6 та тадбиркорлик субъектига 149,3 миллион сўмлик субсидия ажратилиб, жами 31 фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Кейинги йилларда туманимизда экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилди. Жумладан, ўтган йили экспортёр корхоналар томонидан 28,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Шундан 20,2 миллион доллар товарлар, 8,6 миллион доллар мева-сабзавот ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жумладан, “Бунёдкор” ва “Косон бахт текстил” МЧЖлар томонидан ип-калава ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисобидан 20,2 миллион долларлик товар Россия ва Туркияга сотилди. Шунингдек, “Санний ленд экспорт” МЧЖ томонидан 8,6 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари хорижлик ҳамкорларга етказиб берилди.

Бу борада маррани катта олганмиз. Тумандаги хитойлик ишбилармонлар ҳамкорлигида очилган “Қашқадарё жингу” МЧЖ, “Косон ёғ комбинати” ҳамда “Бунёдкор” МЧЖ корхоналари томонидан жами 55 миллион долларлик товар экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.

Туманимизда қурилиш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонига асосан, “Дўстлик” МФЙ ҳудудидаги



Асрол БОЙҚОРАЕВ,  
Косон тумани ҳокими

27,2 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” масивни қуришмоқда. Ушбу ҳудудда бош режага кўра, 2022-2026 йилларда 100 та 2160 хонадонли кўп қаватли турар жой, 3 та мактаб, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, 1 та поликлиника, маҳалла биноларини қуриш режалаштирилган.

Бугун 1 тадан 330 ўринли мактаб, 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 100 қатновли оилавий поликлиника биноси қад ростлади. Шунингдек, 12 та пудратчи ташкилот томонидан 22 та 440 хонадонли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир йил якунига қадар фойдаланишга қабул қилиниши режалаштирилган 11 та 268 хонадонли кўп қаватли уй-жойни қуриш ишлари давом этмоқда.

Туманимизда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш энг муаммоли масалалардан. Шу боис, бугун ушбу йўналишдаги лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Ҳозир аҳолининг ичимлик сув билан таъминлини даражаси 17,7 фоизни ташкил қилади. Қамровни янада ошириш учун босқичма-босқич ҳаракат қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, халқаро жамғармалар иштирокида “Косон ва Муборак туманлари марказлари ҳамда Китоб — Шаҳрисабз ер ости сув қонидан сув олиш қувирига яқин бўлган қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш” лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Умумий қиймати 42,9 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш давомида тумандаги 26 та МФЙда яшовчи 104 минг киши ичимлик сув билан таъминланади. Натижада ҳудудда тоза ичимлик сув билан таъминлиниш даражаси 75,9 фоизни ташкил қилиши кўзда тутилган.

Қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ишимиз, аввало, одамларнинг яхши яшаши учун шароит яратишдан иборат. Бунинг учун барча саъй-ҳаракатларимиз, кучимиз шунга қаратилган.

**“**Малайзия Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан бирига айланди. Агар 2007 йилда ўзаро товар айирбошлад ҳажми 33,3 миллион долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йил якуни бўйича 102,4 миллион долларга етди. Шундан Ўзбекистоннинг экспорт улуши 6 миллион доллар ёки 5,8 фоизни, импорт 96,4 миллион долларни ташкил этган. Шу тариқа экспорт 1,3 баробар, импорт эса 1,6 баробар ошган.

## Бошланиши 1-бетда

Ҳозир 34,6 миллиондан ортиқ аҳолига эга Малайзия иқтисодиёти ривожланаётган, юқори санатлашган, юқори ўрта даромадли давлатлар қаторига киради. Номинал ЯИМ 2024 йил якунига бўйича 445,5 миллиард долларни ташкил этиб, дунёда 36-ўринни, харид қобилияти паритети бўйича эса янада юқорироққа кўтарилган ҳолда 30-ўринни эгаллаб турибди. Малайзия аср охиридан иқтисодиётини аграр соҳадан электроника, микроип ҳамда маиший техника ишлаб чиқаришга йўналтири бошлади ва шу йўл билан йирик санатлашган давлатга айланди. Шу боис, Малайзия иқтисодиёти

# ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ: МУНОСАБАТЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ

сўнги йилларда кўплаб иқтисодчи олимлар, мутахассис ҳамда экспертларнинг тадқиқот объектига айланди.

Албатта, Малайзия тажрибасини ўрганиш, унинг Ўзбекистонга хос ва мос жиҳатларини турли соҳаларга тағбиқ этиш истиқболда самарали натижалар беради. Шунинг учун Ўзбекистон ушбу мамлакат билан ўзаро ҳамкорликка жиддий киришган. Айниқса, сўнги йилларда давлатларимиз ўртасида иқтисодий дипломатиянинг янада фаоллашуви натижасида ўзаро ҳамкорликдаги корхоналар сони катта қадар ортди. Утган 5-6 йил ичида ахборот технологиялари, электротехника саноати, маиший электроника, мебель ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида қўшма корхоналар ташкил этилиши ўз ичига олган йирик савдо ва сарможий шартномалар имзоланди.

Натижада Малайзия Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан бирига айланди. Агар 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 33,3 миллион долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йил якуни бўйича 102,4 миллион долларга етди. Шундан Ўзбекистоннинг экспорт улуши 6 миллион доллар ёки 5,8 фоизни, импорт 96,4 миллион долларни ташкил

этган. Шу тариқа экспорт 1,3 баробар, импорт эса 1,6 баробар ошган.

Географик жиҳатдан бир-биридан нисбатан олисда жойлашганига қарамай, давлатлараро муносабатларга янги суръат бағишлаши мумкин бўлган ҳамкорликнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишини янада кенгайтириш учун янги имкониятлар ишга солинмоқда.

Ўзаро ҳамкорликнинг асосий элементларидан бири бўлган иқтисодий ҳамкорлик ва унинг истиқболли йўналишлари анча кенгайди. Натижада ўзаро маҳсулот айирбошлаш барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатишда давом этмоқда.

Малайзия субектлари ва Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий бирликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳам яхши имкониятлар бор. Хусусан, 2018 йилда Хоразм вилояти делегацияси Малайзияда бўлган, пировардида Малайзиянинг 250 миллион доллардан ортиқ миқдордаги сарможини жалб қилиш имконияти яратилди.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий дипломатиянинг самарали натижалари жорий йил 4-5 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Малайзияга расмий ташрифи чоғида янада яққолроқ кўринди.

Ташриф давомида Куала-Лумпур шаҳрида олий даражадаги музокаралар, қатор ишбилармонлик ва маданий тадбирлар бўлиб ўтди. Шунингдек, Малайзиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар, қўшма бизнес-форум ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Музокаралар натижасида Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, стандартлаштириш, божона, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, суд-экспертлик фаолияти, қурилиш, коррупцияга қарши кураш каби қатор йўналишларда ҳам муҳим қўшма ҳақиқатлар эришилди.

Тошкент вилоятида Малайзия компанияси бошқарувида махсус иқтисодий зона ташкил этилишига келишиб олинди. Шу билан бирга, Ўзбекистон — Малайзия ишбилармонлик ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳисобига электроника ва яримўтказгичлар саноатида узоқ муддатли ҳамкорликни кенгайтириш маъқуланди.

Яна бир муҳим истиқболли йўналиш сифатида сунъий интеллект, рақамли технологиялар, маълумот марказлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш белгилаб олинди. Газ кимёси ва кимё саноати соҳасида, жумладан, полимерлар, “яшил” водород ва аммиак ишлаб чиқариш бўйича стратегик лойиҳаларни тайёрлаш устида ишларни янада фаоллаштиришга келишилди. Қурилиш соҳасининг жадал ривожланиши, ўз навбатида, инновацион ва экологик тоза қурилиш материалларига талабни оширмоқда. Бу йўналишда ҳам стратегик режалар белгиланди.

Умуман олганда, ташриф Ўзбекистон ва Малайзия ўзаро ҳамкорлиги натижадорлиги борасида муҳим воқеа бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Хусусан, икки давлат раҳбарлари томонидан 2025-2026 йиллар ўзаро шерикликни инновацион ривожлантириш даври деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Айнан шу даврда икки давлат ўртасида истиқболли стратегик дастурлар учун платформалар яратилади, имтиёзли савдо тўғрисидаги битим ва саноат кооперацияси дастури ишлаб чиқилади.

**Нодирбек РАСУЛОВ,**  
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори

# Хонадон хазинаси

## Бошланиши 1-бетда

Орифжон Сатторов шундай миришкорлардан. У томорқачилик йўналишида тадбиркорликни йўлга қўйиб, банкдан 100 миллион сўм имтиёзли кредит олди. 5 сотих иссиқхона тиклаб, Жанубий Кореянинг “Қиш ифори” нави қулунай кўчатларини экти. Кеч қузда экилган ниҳоллар айна кунда ҳосилга кирган. Бу усулда маҳсулот етиштириш томорқачи учун “бегона” соҳа ҳисобланади. Орифжон сархил навлар танлаш, парваришlash билан боғлиқ иш жараёنларини ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар, миришкор томорқачилар тажрибалари асосида ўрганди, билмаганини сўради, суриштирди.

— Дастлаб тажриба сифатида бир сотих оддий иссиқхонада қулунай етиштирдим, — дейди томорқачи. — Натижаси ёмон бўлмади, 50 миллион сўмдан ортиқ даромад олдим. Бу фаолиятимни янада ривожлантиришга туртки берди. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан имтиёзли кредит олиб, иш бошладим. Жорий мавсумда 5 минг туп кўчат парваришладим. Меҳнат ва изланишларимиз бесамар кетмади. Ҳосил теримини бошлаганимизга анча бўлди. Ҳозир 300 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни кўзлаб турибмиз. Иш тажрибамиз бошқаларникидан бир оз ажралиб туради. Кўчатни ерга экмэймиз, 1,5 метр баландликда ўрнатилган махсус қутиларда парваришлаймиз, кўчат экилган расталар оралиги бир метр. Бу ниҳоллар ривожини назорат қилиб бориш билан бирга йиғимтерим жараёнида қўл келади. Ушбу усулни бежиз қўлламаяпмиз. Келгуси мавсумда уч қават қилиб қулунай экмэймиз. Натижада бир мавсумда 5 минг эмас, балки 15 минг туп қулунайдан ҳосил оламиз, даромад салмоғи ҳам уч ҳисса ортади.

**“**— Томорқа хонадон хазинаси, деб бежиз айтилмаган, — дейди Орифжон юзаси ойнадек тиниқлашиб кетган сўзига. — Шу кунга қадар кўп ишлар қилдим. Хорижда ишладим, чорва боқдим, олди-сотди билан шугулландим. Лекин кўчадан топганим кўчада қолди. Деҳқончилик қилиб, кам бўлаётганимиз йўқ. Кўплар иш тажрибамиз билан ўртоқлашгани келиб, йўл-йўриқ сўрайди. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайман, имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қиламан.



# ТОМОРҚАДАН ҲАР МАВСУМ 300 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

кўчадан топганим кўчада қолди. Деҳқончилик қилиб, кам бўлаётганимиз йўқ. Кўплар иш тажрибамиз билан ўртоқлашгани

келиб, йўл-йўриқ сўрайди. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайман, имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Оққўрғон қишлоғи бири пайтлар олтиндек товланган анжирлари билан машҳур бўлиб, ҳар бир хонадонда етиштирилган. Энди бу иш амаллари ўзгарди. Аҳоли томорқадан бир эмас, икки-уч бор ҳосил олмақда. Айни кунда 600 дан ортиқ хонадон томорқасида эртаки шолғом, редиска ва кўчатлар баравж ривожланмоқда.

— Маҳалламиз ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланишида томорқачи деҳқонларга яратиб берилган имкониятларнинг ўрни беқисс, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Асрор Йиғиталиев. — Ўтган йилнинг ўзида деҳқончилик, чорвачилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 800 миллион сўмдан зиёд имтиёзли сарможа ажратилиб, етмишдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айни кунда “Темир дафттар”да турган 3 та оилани камбағалликдан чиқариш ва меҳнат мигранти сифатида рўйхатга олинган 32 нафар ёшани тадбиркорлик, томорқачилик йўналишларига жалб этиш, бу борадаги амалий иш тажрибаларидан ибрат олишга қақиряпмиз. Бундан ташқари, шу йил 100 та хонадон томорқасида қулунай етиштиришни ихтисослаштириш орқали соҳани маҳалла драйверига айлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Маҳалладаги “Келажак сари илдам” МЧЖда 5 сотих ерда сабзавот экинлари кўчатчилиги ва иссиқхона, уруғ, кўчат, минерал ўғит ва дала дўкони, сунъий қочирш



Шероҳ Қоробоев олган сурат.

пункти, инкубатор, 4 та мотокультиватор ҳамда 6 та дори пуркағич хизматлари йўлга қўйилган.

Тумандаги бошқа маҳаллаларда ҳам томорқадан унумли фойдаланилмоқда. Худудлар ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминоти инобатга олинган ҳолда ўтган йили 2,7 минг гектар аҳоли томорқасига эрта баҳорги, 2,6 минг гектарга тақрибан 2,1 минг гектар майдонда тўқсонбости экинлар экилди. 51 та маҳалла фуқаролар йиғини “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида муайян турдаги маҳсулотларни етиштиришга ихтисослаштирилди.

— Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш 300 дан ортиқ хонадондаги 15,3 гектар томорқада камда икки-уч марта экин экиб, қўшимча даромад олиш имконияти яратилди. Худудларда 8 та “Томорқа хизмати” корхонаси ҳамда томорқа хизмати шаклидаги 4 та ЯТТ фаолияти йўлга қўйилиб, 2,5 минг аҳоли хонадонига хизмат кўрсатилди.

Деҳқончиликнинг ўзига яраша талаб ва қоидалари бор. Бу меҳнат ва изланиш, ҳар бир ишга янгича ёндашуви талаб этади.

**Расулжон КАМОЛОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ МАҚСАДИ —

## ИНСОН ҚАДРИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ, ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Буюк ўзбек йўли



Мирзо Улугбек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Бошланиши 1-бетда

### АДОЛАТЛИ ВА ҚОНУН УСТУВОР ДАВЛАТ СТРАТЕГИЯСИ

2023 йил 30 апрель кuni ўтказилган референдумда моҳият-мазмунига кўра ҳар томонлама пишиқ-пuxта ўйланган ва умумэтироф этилган халқаро демократик стандартлар талабларига жавоб берадиган Бош қонунимизнинг янгиланиши нафақат жамиятимиз ҳаётидаги ноёб сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий воқеа, балки улкан оламшумул ҳодиса бўлди. Янгиланган Конституцияда мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини янада демократлаштириш йўлига асос солинди. Давлат ва унинг органлари ижтимоий роли ва мажбуриятлари кенгайтирилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали муҳофаза қилиш механизмлари янада мустаҳкамланди.

Бундай тарихий шароитда янгиланган Конституцияимизнинг халқчил таъминоти ва нормаларини ҳаётга изчил татбиқ этиш бўйича тизимли тадбирлар бошлаб юборилди. Жамият ва давлатни модернизация қилиш, ҳаётнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий негизларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда.

Аввало, 2023 йил 8 май кuni давлатимиз раҳбарининг “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва 89 банддан иборат муҳим чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Бош қонунимизнинг устувор ғояларини рўйбга чиқариш ва нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича давлат комиссияси ҳамда суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини амалга ошириш бўйича бешта экспертлик кенгаши тузилди. Булар Конституция талабларини амалга оширишда тизимли ёндашуви таъминлашга хизмат қилапти.

Иккинчидан, биргина 2024 йилнинг ўзида янгиланган Конституция асосида жорий этилган ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг замонавий янги концепциясидан келиб чиқиб, қатор давлат органлари, хусусан, Конституциявий суд, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий органлар фаолиятини тартибга солуви қонун ҳужжатлари Конституцияга мувофиқлаштирилди. Уларнинг фаолияти янги конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйилди.

Учинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қиммати бевоқифа дахлдор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2024 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, шахсининг судланганлиги унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслигига оид қарорлар кучайтирилди. Хусусан, қариндошнинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш ва уни ўташ чоғида фуқаролар ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмалиги белгиланди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 10 майдаги “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиши тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш, уларни тазйиқ ва зўравонликдан муҳофаза этиш тизими тақомиллаштирилди. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки жабрланган хавфи остида бўлган хотин-қизларга ҳимоя ордери талаб этмаган ҳолда ижтимоий, психологик ва юридик хизмат кўрсатиш тартиби йўлга қўйилди.

Бешинчидан, 2024 йил 21 октябрдаги “Оилавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун билан болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан оилавий зўравонлик содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Шунингдек, 2024 йил 14 ноябрдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Булар билан боланинг Конституцияимизда белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг зиммасидаги мажбуриятлар белгилан берилди.

Олтинчидан, Конституцияда мустаҳкамланган давлатнинг камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш бўйича мажбурият доирасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги фармони ҳамда 2024 йил 4 октябрдаги қарори билан ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган ва салоҳиятини рўйбга чиқариш учун имконият яратишга қаратилган “Камбағалликдан қоронгонлик сари” дастури ижроси йўлга қўйилди. Камбағал оилалар реестрига киритилган оила аъзоси учун ижтимоий солиқ 3 йил бир фойз ставкада тўланиши белгиланди.

Еттинчидан, умумий юрисдикция судлари томонидан Конституция нормаларини тўғридан тўғри қўллаш амалиётининг кенг йўлга қўйилишига Олий суд пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши муҳим шароит яратди.



Бундай улғувор ўзгаришлар негизида “Инсон қадри учун” ғояси ҳамда ислохотларнинг “Инсон — жамият — давлат” бош таъминоти Конституцияимиз мазмунига чуқур синдириб, ҳаётимизда бош қадриятга айланганлигидек эзгу ишлар мужассам.

### ИНСОН ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ОЛИЙ МАҚСАД

Конституциявий ислохотлар самарасида мамлакатимиз Конституциявий суди ваколатига тааллуқли масалалар доираси ва механизмларини кенгайтириш конституциявий одил судловни амалга оширишдаги фаолият қарорларини янада кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Биринчидан, янги тахрирдаги Конституцияда Конституциявий суд ратификация қилиш тўғрисидаги қонунлар Ўзбекистон Президентига томонидан имзоланганига қадар уларнинг Конституцияимизга мувофиқлигини аниқлаш белгиланди. Аввал Конституциявий суд фақат халқаро шарноmalарни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш назарда тутилган эди.

Иккинчидан, Конституциявий суд референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Конституцияимизга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса берадиган бўлди.

Учинчидан, Бош қонунимизда Конституциявий суд судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланиши мустаҳкамланди. Конституциявий судлар судьясининг қайта сайланиши имкониятсиз



давомий ваколат муддати қатор хорижий конституцияларда мустаҳкамланган. Мисалан, Болгария, Франция, Италия, Литва, Польша, Португалия, Руминия, Словения, Украинада 9 йиллик, Грузияда 10 йиллик, Германия ва Россияда эса 12 йиллик муддат амал қилади.

Конституциявий суднинг фаолияти, асосан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳаллий органлар қарорларининг Бош қонунимизга мослигини ўрганиш ва таҳлил қилиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш ва бошқалардан иборат.

“Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар конституциявий суд органлари билан, шунингдек, конституциявий суд ва унга тенглаштирилган суд органлари манфаатларини бирлаштирувчи минтақавий ташкилотлар билан алоқалари фаол йўлга қўйилган. Айниқса, Европа, Осиё ва МДХ давлатлари, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари конституциявий судлари билан яқин алоқа ва ҳамкорлик ҳар қачонгидан юқори даражага чиқди.

Ўрганишларга кўра, 2024 йил давомида Конституциявий судга жами 1858 та мурожаат келиб тушган. Шундан олти юзга яқини Конституциявий судга бевосита юборилган. Юздан ортиқ фуқаро ва юридик шахс вакилларининг Конституциявий суд судья ва экспертлари шахсий қабули уюштирилган.

Мурожаатларнинг таҳлили кўрсатмоқдаки, Конституциявий судга мурожаатлар кўп ҳолларда Конституция, қонунлар нормаларидан ташқари қонунчи ҳужжатлар юзасидан, шунингдек, умумий юрисдикция судларидаги ишлар бўйича қарорларнинг



Конституцияга мувофиқлиги, қонунийлиги юзасидан келган.

Кейинги йилларда Конституциявий суд фаолиятига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилиши ҳам яхши самара бермоқда. Жумладан, Конституциявий суднинг расмий сайтида йўлга қўйилган “Фуқароларнинг онлайн қабули” телеграм мессенжери орқали олдиндан муддатлари аниқ ҳафталик ва ойлик жадваллар асосида фуқаролар бевосита судья ва экспертларга видеоқўнғироқ қилиб, онлайн тарзда мурожаатларига киракли тушунтиришлар олоқда. Конституциявий суд сайтида онлайн қабулнинг йўлга қўйилиши фуқароларга республикамизнинг исталган ҳудудидан бевосита мурожаат қилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга судья,

эксперт ва мутахассислардан тўлақонли жавоб олишни таъминлашга хизмат қилапти.

Ортинмиздаги ислохотлардан қўзланган асосий мақсад халқимизни рози қилишдир. Шу боис, ҳар бир давлат органи ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажариши, жамият ривожига, аҳоли яхши яшаш учун зарур шароитларни яратиши энг устувор вазифа этиб белгиланди.

### МИЛЛИЙ ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

Замонавий Ўзбекистон давлати ижтимоий-иқтисодий тараққиётда, халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашда улкан ютуқларга эришти.

Миллий манфаатларимизни таъминлаш йўлида халқаро майдонда юртимизнинг оқиб ва фаол ташқи сиёсат ўз самарасини бермоқда. Сиёсий мулоқот ва учрашувлар натижасида имзоланган ҳужжатлар ва муваффақиятли амалга оширилган қўшма лойиҳалар бунга ёрдамчи мисол бўла олади.

Шу ўринда Конституциявий суднинг халқаро муносабатлари ва хорижий мамлакатлар конституциявий назорат органлари билан ҳамкорлигига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар конституциявий суд органлари билан, шунингдек, конституциявий суд ва унга тенглаштирилган суд органлари манфаатларини бирлаштирувчи минтақавий ташкилотлар билан алоқалари фаол йўлга қўйилган. Айниқса, Европа, Осиё ва МДХ давлатлари, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари конституциявий судлари билан яқин алоқа ва ҳамкорлик ҳар қачонгидан юқори даражага чиқди.

дунёси конституциявий юрисдикциялари конференцияси, Туркий дунё Конституциявий судлари конференцияси, Евроосиё конституциявий назорат органлари ассоциацияси каби нуфузли ташкилотлар молиявий кўмагига хорижий ҳамкорлар иштирокида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Конституциявий суди Осиё Конституциявий судлари ва эквивалент институтлари ассоциацияси таъсисчиларидан бири ҳисобланади. Мазкур ассоциация 2010 йил 12 июлда Жакарта шаҳрида Индонезия, Жанубий Корея, Малайзия, Мўғулистон, Филиппин, Таиланд ва Ўзбекистон томонидан ташкил этилган.

Ҳозирги кунда ассоциацияга Осиёдаги 20 та давлат аъзо бўлган. Унинг асосий мақсади Осиё мамлакатлари конституциявий судлари томонидан конституциявий назоратни амалга ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократия қафолатлари, қонун устуворлиги соҳаларида ташкилот аъзолари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантиришдан иборат.

Ўтган йилнинг 17-21 сентябрь кунлари Осиё Конституциявий судлари ва эквивалент институтлари ассоциациясининг Таиланднинг Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган VI конгрессида ассоциациянинг фаолияти ва келгусидаги режалари ҳақида ахборот берилди. Тадбирда 2025-2027 йилларда Осиё Конституциявий судлари ва эквивалент институтлари ассоциациясига раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига ўтиши эълон қилинди.

Нуфузли минтақавий форум томонидан ушбу масъулиятни вазифанинг бизга ишониб топширилиши, аввало, Президентимиз юриятган адолатли ва оқилона сиёсатнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларга ишонч ва давлатимизнинг жаҳон миқёсда нуфузи юксалгани, жумладан, самарали суд-ҳуқуқ соҳасини шакллантириш ва конституциявий одил судловни таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасига қизиқиш ортиб бораётганининг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Конституциявий суди вакиллари кейинги уч йил давомида ўзаро тажриба алмашиш ва илгор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида Германия Федерал Конституциявий суди ҳамда Баден-Вюртемберг федерал ери Конституциявий суди, Жанубий Корея, Туркия, Таиланд, Индонезия, Россия, Словения, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Конституциявий судлари, Франциянинг Страсбург шаҳрида жойлашган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, шунингдек, АҚШ ва Европанинг бир қатор етакчи университетлари ва илмий муассасаларида конституциявий судлар ишини ташкил этиш ва конституциявий одил судловни юрйтиш амалиёти билан яқиндан танишиди.


Бунда хорижий амалиётга оид тўпланган билим ва тажрибалар самарасида мамлакатимизда Конституциявий суд фаолиятини янада кучайтириш, мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини яхшилаш, конституциявий процессуал нормаларни тақомиллаштириш, судьялар дахлсизлиги ва ижтимоий ҳимоясини ошириш, шунингдек, барча босқичларига замонавий ахборот технологиялари ютуқларини кенг жорий этиш, сунъий интеллект имкониятларидан суд жараёнида фойдаланиш, идоралараро ахборот алмасув тизимига уйғунлаштириш, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар доирасини кенгайтириш каби йўналишлардаги фаолиятимизни янада тақомиллаштириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқилди.

### Яшил макон

# БИР ТУП ДАРАХТ ҚАДРИ



**Бунга анча йил бўлди. Ҳашақда Жўра отага Самарқанддаги хизматдош ўртоғи тўйхат юбориб, тўйга келишни қатъий тайинлаганди. Иккиси қалин дўст. Яхши кунда ёнида турмас, одамгарчилик қайда қолади? Хуллас, бобо қишлоқдаги икки тенгқуруни ҳамроҳ қилиб, тонгда йўлга чиқди. Мехмонлар тўйнинг авж палласида кириб борди.**



**Экологик тадбирларни кўпайтириш, биринчи навбатда, дарраҳтзорларни кенгайтириш ишларини 2025 йилда янада жадаллаштириш белгиланган. Режага кўра, вилоятда баҳор мавсумида 10 миллион 74 минг туپ ва бута кўчатини экиш белгиланган. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида эса 16 та туман ва шаҳарда боғ ташкил этиш учун ер майдонлари танлаб олинди.**

Дўстлар армиядаги воқеаларни хотирлаб, мириқиб суҳбатлашди. Кексаларнинг гурунгига қулоқ тутган ёшларнинг ҳаваси ортди. Гап билан бўлиб кун пешинга отганини ҳам сезмай қолишди. Кетар одамга — йўл яхши. Мехмонлар уй этасидан узр сўраб, ортга қайтди.

Тўйхонада унчалик сезилмаганди. Катта йўлга чиқилган, ёз жазирасининг тафти ҳолдан тойдирар даражада экани равшан бўлди. Бунинг устига асфалтдан иссиқ ҳовур кўтариларди. Олтимиш-етмиш чақирим юрилган, иссиқ таъсирини кўрсатди. Айниқса, Жўра ота ҳолсизлашиб қолди. Тўйда нафиса эрк бериб, қўй гўштига роса тўйиб олгани энди билинаётганди.

Яна бир оз юрилган, ҳайдовчиға йўл четиди бирор дараҳт тағида соялаб, дам олма са бўлмаслигини айтишга мажбур бўлди. Аммо шунча юришса-да, йўл четиди бирор дараҳт кўринади эмасди. Ҳайдовчи отахоннинг аҳволини сезиб, ноилжод бир четда тўхтади. Машинанинг қисқагина соясида ўтирган бобонинг кўзига боғиди дараҳтларни кўриниб кетди. Бунинг устига шамол чанг-тўзонни ҳар томон суриб, нафас олишга ҳам қўямасди. Жўра ота атрофга термилди, қайрағочми, тутми бормикан дея қидирди. Лекин ўша пайтларда Чироқчи тумани кенгликлари дейилган йўл атрофидан излаганини тополмади. Қани имкони бўлса, шу ерларга ўзи ниҳол экди, то унинг-ўсгунича парваришласа. Биргина дараҳтнинг одам учун шунчалик қадри эканини ҳеч ўйлаб кўрмаган экан. Бугун бир қарич соя бир қултум сувдан-да азиз бўлди...

Ҳар сафар шу йўлдан Тошкент ёки Самарқанд тарафларга ўтгани бўлса, отахоннинг ёнига ўша воқеа тушаверарди. Бир марта эрта баҳорда беш-олтига ниҳол олиб келиб, йўл четига экиб кетди. Кейинчалик бошқалар ҳам экди. Кўчатларнинг айримлари кўкарди. Лекин қаров бўлмагани боис, кўли қуриб қолди. Бугун ҳам набирасининг машинасида Тошкентга қараб йўлга чиқди. Ҳозир Қўқдала туманига қарашли ўша худудга яқинлашаркан, йўл четиди тўпналиб турган одамларни кўриб



хайрон бўлди. Кўз нури хиралашиб қолгани боис, у ердигиларнинг нима билан бағдлигини англолмади. Набирасидан сўради: — Болам, анавилар нима қилипти? — Бобо, бу ерда дараҳт экиляпти. Ана, кўпи кўчат олиб келяпти. Баъзилари чуқур қазиляпти. — Шу тарафга ҳайда, болам. Катта элнинг ҳашарига ҳисса қўшмай кетиб бўлмайди.

— Э, бизга шу керакми? Йўлдан қолиб нима қиламиз? — дея набираси норозилик билдирди.

— Бугун бўлмаса, эртага керак бўлади. Бир кунни фойдаси текканда айтасан, болам. Ҳозир кўра ҳайда улловингми. Биз ҳам уларга қўшилиб, ҳеч бўлмаса, икки туپ ниҳол экиб кетамиз. Бунинг савоби катта.

Ота машинадан тушиб, одамларга қўшилди. Улар билан саломлашиб,

саломатлик тилади. Қўлига кўчат олиб, четда турган набирасини имлади. Олдиндан қовланган чуқурга ниҳолни қўйиб, тупроқ тортиди. Кўзда бир оз ёш бўлса-да, тили дуода эди. Ёши саксондан ошиб қолган отанинг ҳаракати ҳеч кимни ҳайратлантормади. Ишлаётган ёшларга далда бўлди. Чунки ҳашар — азалий урф. Унга барча бирдек бош қўшади. Танишми-нотанишми, ҳашар устидан чиқиб қолса, “Ҳеч бўлмаса, бир қўлим тегсин”, дея ёрдам бе-

риб ўтади. Айниқса, Жўра бобо каби кексалар бундай жамоавий ишларда кўп қатнашган. Шу боис, кўз юмиб ўтиб кетолмаслиги аниқ эди.

Ўша кунни аслида Қўқдала туманидаги катта йўл ёқасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида катта ҳашар ташкил этилганди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташаббус билан Қўқдала — Қарши йўлининг икки томонида 60 минг туپ мевали ва манзарали дараҳт кўчати экиш режалантирилганди. Бобо-набира айнан шу ишларнинг бошланиш қисмига гувоҳ бўлиб турганди.

Мақур экологик тадбирда вилоят раҳбари бошчилигидаги сектор раҳбарлари, нурунийлар, ёшлар, “махалла етказиб” ва кенг жамоатчилик вакиллари бирдек ҳисса қўшаётганди. Кимдир сув келтирган, яна кимдир тупроқ ташлаган. Бирини ниҳолни ушлаб туриш билан ҳам. Хуллас, бекор турганини кўрмайсиз. Ҳамминг кайфияти аъло. Ахир бундай савоби ишга бош қўйиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Ҳашарчилар бир ёқадан бош чиқариб, дараҳт кўчатларини ерга қадаб, келажак авлодга яшил ва барқарор муҳит яратишга ҳисса қўллади. Муҳими, шу куннинг ўзида худудда экилаётган дараҳт кўчатларини томчиляпти сугорити тизими ҳам йўлга қўйилди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги мутаассидиларнинг маълум қилишича, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2024 йил баҳор ва кўз

мавсумида 16 миллион тулдан зиёд дараҳт ва бута кўчати экилган.

Шу пайтгача воҳанинг айрим жойларида ўтказилган ниҳоллар бир йил ўтмасдан қуриб қоларди. Мана шундай ҳолатларни инобатга олиб, кейинги мавсумда кўчатларнинг иқлимга мос, чидамлилигиға эътибор қаратилади. Бу борада Қарши давлат университетининг дендролог олимлари тавсиясига асосан 16 турдаги дараҳт ва бута кўчатлари танлаб олинди. Япон сафораси, шумот, қайрағоч, павловния, заранг, акация, чинаор, тут, жийда шулар жумласидан.

Аваллари дараҳт экардик, лекин уни сугорити масаласига унча эътибор қаратмас эдик, — дейди ҳашарда иштирок этган маҳалла фаолларидан Худойқул Диевров. — Бу йил, биринчи навбатда, шунга эътибор қаратилгани яхши бўлди. Ҳозирнинг ўзида керакли мосламалар ўрнатилиб, катта ҳовуз қилинмоқда. Шу жойдан томчиляпти ускуналари орқали сув тарқатилади. Айниқса, ёз

мавсумида ниҳолларга сув зарур. Энг муҳими, экилган ҳар бир кўчат эртага буй кўрсатишига жиддий эътибор қаратишмоқда. Насиб этса, икки-уч йилда йўлининг икки четиди чиройли манзара ҳосил бўлади.

Вилоят бўйлаб дарраҳтзорларни кўпайтиришга катта эътибор қаратилаётганини қилинаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида янги экилган кўчатларни сугорити учун 436 та техника жалб этилди. 24 километрни сугорити тизими тортилди ҳамда 15 та янги сув қудуги қазилди. Қаролатилган сув таъминотини таъминлаш учун йирик ҳажмли сув идешлари ўрнатилиб, томчиляпти сугорити тармоқлари тортилди.

Мисол учун, Қашани туманида 8 та кўчама ҳовуз ўрнатилиб, 20 минг туپ, Қарши — Ғузор автомобиль йўли яқинида 24 та бетон ҳовуз бунёд этилиб, томчиляпти орқали 14 минг тулдан ортиқ кўчатни сугорити йўлга қўйилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йилнинг баҳор ва кўз мавсумида житимой соҳа ташкилотларига 400 мингта яқин манзарали, мевали дараҳт ҳамда бута кўчати бепул етказиб берилди.

Шунингдек, лойиҳа жараёнида “Шаҳрисабз Агропилла” МЧЖ томонидан 22 минг туپ, “Уғин ифтихори” ишлаб чиқариш кооперативи томонидан 10 минг туп ва “Бешкент — агро кластер” МЧЖ томонидан 40 минг туп мевали дараҳт кўчати экилиб, боғлар барпо қилинди.

Соҳадаги янгиликлардан яна бири, Қарши тумани “Ҳиллол” МФЙдаги 2-касб-хунар мактаби худудидаги 1,5 гектар майдонда “Дендрология боғи” ташкил этишга русатнома берилди. Натижада келгусида ушбу боғда “ин-витро” усулида дараҳт кўчатлари этиштирилади.

Муборак, Миришкор ҳамда Нишон туманларининг асосий қисми қўл, қир ва адирликлардан иборат. Шу пайтгача иқлим шароитини ҳисобга олиб, шўр ва сувсизликка чидамли ўсимлик боғларини барпо этиш долзарб бўлиб келаётган эди. Энди бунга ечим топилаётган. Ҳозир Муборак туманида намуна тарихида ер танланди ва бу боғқа сувсизликка чидамли дараҳт кўчатлари экиладиган бўлди.

Экологик тадбирларни кўпайтириш, биринчи навбатда, дарраҳтзорларни кенгайтириш ишларини 2025 йилда янада жадаллаштириш белгиланган. Режага кўра, вилоятда баҳор мавсумида 10 миллион 74 минг туپ ва кўз мавсумида 6 миллион 130 минг туп дараҳт ва бута кўчатини экиш белгиланган. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида эса 16 та туман ва шаҳарда боғ ташкил этиш учун ер майдонлари танлаб олинди.

Айни кунларга келиб, воҳода иқлим бир оз иссиқ келгани боис, 2 миллион туپ манзарали ва мевали дараҳт кўчатлари экилганини айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, шу кунларда Қарши — Қўқдала йўли атрофида ҳам 40 минг туп кўчат экилди.

Худудларни яшил маконга айлантириш ҳаракатида барча иштирок этмоқда. Атрофмуҳитни асраш, табиатга яхши муносабатда бўлиш, яшиллик ортидан ҳам мусафолитига эришиш мумкинлигини ёш қари бирдек англаб етмоқда. Бу эса табиат мувозанатини сақлаш учун муҳим.

**Акбар РАҲМОНОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

**Технологик тараққиёт кўплай соҳаларда инсониятга қулайлик яратмоқда. Хусусан, банк тизимида ҳам бу борада ижобий натижалар қайд этиляпти. Биргина кредит тизими бунга мисол бўла олади. Олдинлари турнақатор бўлиб банк эшигида сарғайган, ҳужжатбозлик ортидан аксарият вақтини йўлга сарфлаган юртдошларимиз энди бир неча дақиқада телефон иловалари орқали кредит олмақда. Бу имконият кўплай инсонларнинг оғирини енгил қилаётгани, мақсадли ишлашга, косаси оқариб, рўзгорига барака қиригани ҳам айни ҳақиқат.**

## КРЕДИТ АХБОРОТИГА ТАҚИҚ НИМАГА КЎЙИЛАДИ?

# ТАҚИҚ

Кўн МАВЗУСИ

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бугун аксариятимиз кредит тўғрисида ўзига хос қарашга, муайян маънода тажрибага эгамиз. Ҳеч бўлмаса ён-атрофимиздагиларнинг бу борадаги машамасидан бохабаримиз. Афсуски, кейинги вақтларда кредит олишдаги қулайликлар билан бирга бу тизимдаги фирибгарликлар сони ҳам ошиб бормоқда. Қайсидир мансабдорнинг қўли остидагилар номига кредит расмийлаштириб, пулни еб юборгани ёхуд телефон орқали ўзини банк ходими сифатида таништириб, одамларни талаётганлар кўпайиб бораётгани ачинарли ҳол.

Яқинда қишлоқдаги жўрам кўнғироқ қилиб қолди. Айтганча, у ўқишга қизиқмади. Отасидан қолган мол-ҳолни кўпайтириб, рўзгор тейрагарди. Бу орада фермер хўжалигига ишга киргани ҳақида ҳам эшитдим. Хуллас, содда жўрамга кўп қатори “банк ходимлари” кўнғироқ қилиб, у билан видеочатда гап-лашди кўнғирган. Мулоқот асосида жўрамнинг қиёфаси сканерланиб, идентификацияланган ва шу асосда маълумотлари шакллантирилиб, номига кредит расмийлаштирилиб олинган. Бундан, табиийки, анвой жўрамнинг хабари бўлмаган. Оқибатда икки ойдан сўнг уйига Мажбурий ижро бюросидан хат борган. Жўрам кўрасидаги молини бозорга сотиб, кредитдан қутулди. Шундай қилиб, фирибгарлар уни умрида қўлига ушлаб кўрмаган пулга кўйди.

Маълумотларга кўра, биргина 2024 йилда фирибгарлик йўли билан фуқаролар номига онлайн кредит ажратилиш бўйича 500 га яқин ҳолат аниқланган. Бу жараёнда жабранувчиларга қарий 15 миллиард сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

Мурожаатларнинг 60 фоизда ўзини тўлов тизими ёки Марказий банк ходими сифатида таништирган шахслар фуқароларнинг шахсий маълумотларидан фойдаланган ҳолда онлайн кредитлар расмийлаштирган. Айрим ҳолатларда эса бир шахс номига 5-6 та тижорат банкдан кредитлар олинган.

Фирибгарлар тузоғига, асосан, ҳеч қандай онлайн кредит олмаганлар тушмоқда. Сўнгги вақтларда онлайн кредит олиш борисида учраётган фирибгарликлар кўпайиб бориши ортидан 2024 йил 1 ноябрдан 2025 йил 1 апрелга қадар вақтинчалик тартиб жорий қилинди, — дейди Марказий банкнинг киберхавфсизлик маркази мутахассиси Хуршид Худоевров. — Энди кредит ташкилотлари фуқаро кредит олиш учун ариза юборганидан сўнг унинг кредит бюралари маълумотлар базасидаги кредит тарихини 2 босқичда — ариза тушганидан сўнг ва кредит маблағи ажратилишидан олдин текширувдан ўтказди. Ушбу талабнинг ўрнатилиши кредит олиш бўйича ариза фуқаронинг ўзи томонидан берилганини аниқлаш ва унинг шахсига яна бир бор ойдинлик қиришти имконини беради.

Энди жисмоний шахс ўзининг иштирокисиз ёки хабарисиз кредит битими расмийлаштирилишининг олдини олиш учун кредит битимини тузишни кредит бюросига ариза қиришти орқали тақиқлаш мумкин. Кредит битими тузилишини тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза олинган пайтдан бошлаб кредит бюроси дарҳол

уни реестрга, яъни кредит битими тузилиши тақиқланган жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ва кредит бюралари томонидан юритиладиган ягона маълумотлар базасига киритади.

Кредит битимини тузиш тақиқланган шахсларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган реестрини юритиш тартибини Марказий банк белгилайди, — дейди Марказий банкнинг юридик департаменти директори ўринбосари Баҳоидир Исмоилов. — Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш учун жисмоний шахслар давлат хизматларининг Ягона интерактив портали, давлат хизматлари марказлари ҳамда кредит бюралари орқали ёзма ёки электрон ариза билан мурожаат қилиш мумкин.

Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш ихтиёрий бўлиб, бунда мазкур хизматлар Вазирил Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бепул амалга оширилади.

**Сардор ТОЛИБОЕВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



# ТОҚАТСИЗЛИК ИЛЛАТИ: АЙРИМ ЁШЛАР ИЛМ ОЛИШ ВА КАСБ ЭГАЛЛАШГА ҚИЙНАЛМОҚДА

Жияним оилавий шароит туфайли мигрант сифатида хорижа ишга кетишга мажбур бўлган эди. Бир-икки йилда муаммолардан қутулиб, иқтисодий аҳволини ўнглаб олишга эришди. Интернет орқали ёзишмаларда кўп бора ватанга қайтиш, бирор ишга жойлашиб, шу ерда "палак ёзиш" нияти борлигини айтар, мендан бу борада маслаҳатлар сўради.



Жонибек АЛИЖОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Мен унга мамлакатимизда ёшларнинг таълими, касб танлаш масалаларига сўнгги йилларда эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайгани, ҳатто номарказлар ташкил этилиб, одамларга бепул касб ўргатилаётгани, эҳтиёжман оилалар фарзандларига ўқш учун тўловда имтиёзлар қўлланилаётганини айтдим. Жияним бу ўзгаришлардан хурсанд бўлса-да, унинг қалбиде муваффақиятга тезроқ эришиш истаги устунлик қилаётгани сезилиб турарди.

Назаримизда, бугунги ҳаёт шиддат кўпчилигимизни сабрсиз қилиб қўймоқда. Хўш, негизга жавоб топши мақсадиде инерген орқали психологлар фикри билан қизикдик. Сабрсизликнинг асосий омилларидан бири танлов ва имкониятлар қўлнингидир, деган фикр эътиборимизни тортди. Дарҳақиқат, биз бугун танловлар ниҳоятда кенг бўлган даврда яшаймиз.

Ейдиган таомимиздан тортиб, ҳайдаётган автомобилларимизгача кен танлов қила оламиз. Шугулланидан касбимиз ҳам, таълим олоқчи бўлган олийғуларимиз ҳам турфа. Бу эса ўз-ўзидан назаримизни тўйинтириб қўймоқда. Бироқ илм-маърифат ва касб танлаш борасиде муваффақиятга тўйинганлик акс тасвир этиши мумкин.

Буоқ муваффақияр боболарнинг таржимаи ҳолига қараса, улар чорак асрлар устозлар этагини маҳкам тутганини кўраемиз. Ўзи устоз мақомига эришиш учун эса умрининг ярмидан

кўпроғини бағишлаган. Шундан кейин ҳам ўзига нисбатан устоз деярли беришларидан қимтинган. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, илм-маърифатнинг юки нақадар залворли эканидан далолат. Бугун-чи, илм олишга, хунар эгаллашга муносабатимиз қандай? Кўча-кўйда юрсангиз, ҳар қадамда "Фалон тилини 6 ойда ўргатамиз", "Фалон касбини 3 ойда тўлиқ ўзлаштирасиз" каби реклама-ларга кўзингиз тушади. Қизингиз, бундай тарғибот усуллари кўпдан буюн мавжуд. Нега? Сабаби уларга талаб бор-де.

Бир-икки йил илгари яқин дўстим Европага ўқишга кетиш ниятидалигини, бунинг учун тил ўрганиши лозимлигини айтиб, мукамал ўзлаштириш учун қанча вақт кетишини сўраганиди. Табиийки, мен бир ярим ёки икки йил етарли бўлишини айтганидим. Бунча вақтга дўстим ҳафсала қилмади, тез ўрганиб олиш йўллариини излади, бироқ урдасидан чиқмади. Бугун у турли-туман ёлланма

Тоқатсизлик аксарият одамларнинг табиатига сингиб кетган. Бу, айниқса, ёш авлод дунёқарашиде устунлик қилади: ҳамма нарсага, хусусан, мўмайгина бойликка тезроқ эришишни истайди. Бу эса уларни айрим қора ниятли кимсалар ўлжасига айлантриб қўяётир. Букмекерлик компаниялари бозори бунчалик чаққонлиги ҳам аслида шундан. Айнан ушбу иллатларнинг ортидан нечалаб ёш йигит-қизларнинг азиз умри беҳуде совриляётганини эшитиб, кўриб юрибмиз.

ишларда ишлапти. Ўзимча ўйлайман, агар дўстим ўшанда тил ўрганишини бошлаганда ҳозир ижтимоий аҳволи бутунлай бошқа бўлармиди?! Аслини олганда, илм олиш, касб ўрганиш масаласиде кўпчилигимиз шу дўстимга ўхшаб кетамиз.

Тоқатсизлик аксарият одамларнинг табиатига сингиб кетган. Бу, айниқса, ёш авлод дунёқарашиде устунлик қилади: ҳамма нарсага, хусусан, мўмайгина бойликка тезроқ эришишни истайди. Бу эса уларни айрим қора ниятли кимсалар ўлжасига айлантриб қўяётир. Букмекерлик компаниялари бозори бунчалик чаққонлиги ҳам аслида шундан. Айнан ушбу иллатларнинг ортидан нечалаб ёш йигит-қизларнинг азиз умри беҳуде совриляётганини эшитиб, кўриб юрибмиз.

Замонавий дунёда криптовалюта соҳаси тобора оммалашиб борапти. Ташқаридан айни соҳа ҳам таваккалчиликка



Мулоҳаза



World Happiness Report, яъни Халқаро бахт индекси тадқиқотларининг асосларидан бири ҳам инсоннинг ўзи истаган соҳада эркин ва қийналмасдан фаолият юритиши ҳисобланади. Бунда одамларнинг ўз иши билан қониқиш даражаси, касбий имкониятлари ва иш жойидаги ҳолатлар чуқур таҳлил қилинади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



рининг асосларидан бири ҳам инсоннинг ўзи истаган соҳада эркин ва қийналмасдан фаолият юритиши ҳисобланади. Бунда одамларнинг ўз иши билан қониқиш даражаси, касбий имкониятлари ва иш жойидаги ҳолатлар чуқур таҳлил қилинади.

Таҳлиллардан келиб чиқадик, ёшларда сабрсизлик кучаяётгани кўп жиҳатдан жамиятдаги муҳитга бевосита боғлиқ. Бир ўринда тоқатсизлик ёшларнинг илм олиш ва касб танлаш жараёнига тобора сингиб бораётгани жамият учун хавотирли сигнал, дедик. Хўш, бу нимаси билан хавотирли?

Бу, аввало, илм-маърифатнинг асрлар давомиде ҳаракатланиб келаётган қарвонига эиен етказди. Бир қарашда зарурмасдек туюлган, бироқ соҳаларнинг кўринмас таянчи ҳисобланган билимлар ҳамда касбларнинг йўқолиши хавфи пайдо бўлади. Иккинчидан, инсониятнинг сунъий ахборот манбаларига қарамлигини оширади. Яъни одамлар касбларни тўлиқ ўзлаштирмай, вазибаларни ана шу манбалар орқали бажаришга оммавий одатланади. Бу ўз-ўзидан мавжуд билимлар қиймати пасайишига олиб келади. Шу жиҳатлар билан ҳам бугун сезилмасдек туюлаётган тоқатсизлик иллати барчамизни хушёрликка чорлаши лозим.

асослангандек кўринса-де, кўплаб мутахассислар иқтисодий тармоқнинг келажакини айнан криптовалютага тобора сингиб бораётгани жамият учун хавотирли сигнал, аслида. Хўш, бу борада қандай йўл тутмоқ керак? Аксар таълим мутахассислари мактабга ҳам оғринади.

Тоқатсизлик ёшларнинг илм олиш ва касб танлаш жараёнига тобора сингиб бораётгани жамият учун хавотирли сигнал, аслида. Хўш, бу борада қандай йўл тутмоқ керак? Аксар таълим мутахассислари мактабга ҳам оғринади.

Бир гап бор: қийинчилик билан эришилган нарсанинг қадр-қиммати юқори бўлади. Бу — ҳақиқат. Мисол учун, ўртача

10 йил ўқиб, шифокор бўлган одам билан 3-4 кунда ўрганиб, официантлик қилаётган одамнинг ўз касбига муносабати тубдан фарқ қилади. Официантга ҳозиргисидан даромадлнроқ иш тақлиф қилсангиз, у осонгина касбини ўзгартириши эҳтимоли катта, бироқ шифокор бу ҳақда ўйлаб кўришга ҳам оғринади.

Тоқатсизлик ёшларнинг илм олиш ва касб танлаш жараёнига тобора сингиб бораётгани жамият учун хавотирли сигнал, аслида. Хўш, бу борада қандай йўл тутмоқ керак? Аксар таълим мутахассислари мактабга ҳам оғринади.

қасб танлаш масаласини мустақил ўзи ҳал қила олади. Аксарияти эса болаларнинг боғча ёшиданноқ қизиқишларини аниқлаш, уларни шу қизиқиш бўйича тарбиялаш кераклигига ишонди. Сизнингча, қайси усул ўзини оқлайди?

Мақолани тайёрлаш жараёнида қизиқ рақамларга дуч келдик. Европада ҳар йили ўртача 7-12 фоиз аҳоли касбини ўзгартирар экан. Меҳнат муносабатлари самарали йўлга қўйилган деяр эътироф этилади, аслида. АҚШда эса бу кўрсаткич тахминан 10 фоиз. Таҳлилчилар фикрича, бу касб ўзгартиришларнинг бир қисми молиявий вазиат туфайли руй берса, бир қисми собик касбиде ўзини нуқулай ҳис этиш натижасидир. Минтақамизда ҳам статистик рақамларда қайд этилмасса-де, касб ёки соҳа ўзгартиришлар билан боғлиқ вазиатлар учраб туриши сир эмас.

— 19 ёшдаман. Ўтган йилги хатловда тадбиркорликка оид ғоямни ёшлар етакчисига айтдим, — дейди Мўътабар Абдусолиева. — Етакчимиз ота-онам билан маслаҳатлашиб, фикримни қўллаб-қувватлади. Натижада 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, бедана парвариш қила бошладим. Мингта бедана сотиб олдим. Ҳозир ҳар кун 350-400 та бедана тухуми сотаман. Харидорлар уйимиздан олиб кетади. Кунлик даромадим 200-300 миңг сўм атрофида. Ҳамма ишини ўзига яраша машаққатли бор. Соҳани яхшилаб ўрганиб, ҳаракат қилса, беданачилликдан ҳам яхшигина даромад топиш мумкин экан. Бу йил тикувчилик бўйича ҳам иш бошламоқчиман.

## УЛАРНИНГ БУГУНИ ЗАВҚЛИ, МУНОСИБ ТАРБИЯЛАСАК — ЭРТАСИ ҚУДРАТЛИ



фаоллигини ошириш, ҳаётдаги ўрнини белгилаш ва келажакдаги режаларини аниқлаш учун муҳим қадамдир.

Хатлов якунида ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқишларидан келиб чиқиб, ёшлар учта тоифага, жумладан, яхши ўқиётган, тадбиркорлигини йўлга қўйган, расмий секторда ишлайдиган, қобилиятли, ижтимоий фаол бўлган ёшлар — яхши, турмуш тақозоси билан расмий сектордан иш топа олмаган, лекин иқтисодий фаол ёшлар — ўрта ҳамда давлатнинг гамхўрлиги ва эътиборини кутаётган, кўмакка муҳтож ёшлар аҳволи оғир гуруҳга ажратилади. Эътиборлиси, учинчи тоифадаги ёшлар — вилоятдаги раҳбарларга бириктирилмоқда. Бу ҳам самара берапти.

Ёшлар баланси шакллантирилиб, "йўл харитаси" ишлаб чиқилади. Шу асосда ёшларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва ҳаётини яхшилаш учун аниқ ҳаракатлар режаси белгиланади. Мисол учун, Шароф Рашидов тумани Нурафшон маҳалласидаги Абдусолиевлар оиласиде 4 нафар ёш истиқомат қилади. Ўтган йили хатлов жараёнида оиланинг уч фарзандига хизмат кўрсатилган.

— Бу йилги хатлов жараёнида ўтган йили кўрсатилган ерданинг ижобий натижасини кузатдик, — дейди "Нурафшон" МФЙдаги ёшлар етакчиси Юсуф Абдураҳмонов. — Мазкур оилдаги ўғиллар чорвачилик билан шуғуллана, қизи Мўътабар Абдусолиева беданачилликдан даромад топишти. Мўътабар мисолида давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилётган эътибор самара бераётганидан хурсанд бўламан. Унинг ишини, даромадини кўриб, маҳалламизнинг кўп қизларида ҳам тадбиркорликка қизиқиш ортди.

— Худудда 1000 га яқин йигит-қиз истиқомат қилади. Маҳалламиз етилиги билан ҳамкорликда ёшларнинг муаммосини ўрганиб, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредит ва субсидия олиши, ишга жойлашишида амалий ёрдам берамиз. Ўтган йили ёшлардан 38 нафарини вилоятимиздаги автомобиль заводларига ишга жойлаштирдик, 68 нафарига эса ер ажратдик. Ҳозир улар деҳқончилик билан шуғулланиб, даромад топтомоқда. Жорий йилда яна 100 нафар ёшга ер берилади, — дейди Шароф Рашидов туманидаги Ҳозиртепа маҳалласи ёшлар етакчиси Бобомурод Очилов. — Яқинда "Йилнинг энг фаол маҳалла ёшлар етакчиси"

республика танловиде ёшлар билан ишлаш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка қўмаклашиш йўналишида учинчи ўрнини олдим. Буни маҳалламиз етилиги, ёшларимизнинг ҳам ютуғи деб биламан. Олдин маҳалламизда мигрантлар кўп эди. Улар билан онлайн суҳбатлашиб, ватанга қайтариш, иш билан таъминлаш, имтиёзли кредитлар ажратиб, тадбиркорликка жалб қилиш чораларини кўраемиз. Натижа ёмон эмас, кўплаб ватандошларимиз қайтди. Мисол учун, яқинда Россиядан икки йигит қайтганди, уларга кредит ажратдик. Ҳозир бири сартарошлик қилляпти, иккинчиси тадбиркорлик билан шуғулланыпти. Икковиям яхшигина даромад

топишти. Қайтганидан хурсанд. Бундан ташқари, хориждан қайтиб келган кўплаб ёшларга ер берилади. Насиб қилса, улар баҳорда деҳқончиликни бошлайдил. Маҳалламиз туман марказидан олисада жойлашган. Чет тили, касб ўрганиш учун ёшларимизнинг туман, вилоят марказига боришига тўғри келади. Ушбу овозгарчиликларга барҳам бериш учун маҳалламиз биноси атрофидаги бўш жойда ёшларни хорижий тиллар ва касбларга ўргатиш марказини ошмоқчимиз.

Каромат Шодиева эътибор ва гамхўрликларга баҳраманд бўлган ёшлардан бири. Айтишича, "Ёшлар дафтари"га киритилиши давлат томонидан қўрсатилётган ёрдамлардан фойдаланиш имконини берган.

— Маҳалламиздаги ёшлар етакчиси уйимизда келиб, шароитини ўрганиб, "Ёшлар дафтари"га киритиб, субсидия асосида тикув машинаси олиб берди. Тикувчилик фаолиятини йўлга қўйдим. Асосий мижозларим маҳалламиздаги хотин-қизларимиз. Даромадим яхши. Келажакда шогирдлар тайёрлаб, фаолиятини кенгайтирмоқчиман. Фурсатдан фойдаланиб, биз, ёшларга мана шундай шароитларни яратиб берган Президентимизга ўз миннатдорчилигини билдираман, — дейди Каромат.

Кароматнинг муваффақиятли фаолияти ёшларга давлат томонидан берилаётган имкониятларнинг самарали эканини кўрсатади. Имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлов ёшларнинг ўз бизнесини бошлаши, онлайн тадбиркорлигини ташкил қилиши ва даромад топишида муҳим омили бўлмоқда. Шунингдек, йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш, турли

спорт тўғраракларига жалб этиш ҳам ёшлар етакчисининг вазифасига қиради.

— Беш ташаббус олимпиадаси лойиҳаси орқали вилоятда 500 миңдан зиёд ёшнинг вақтини мазмуни ўтказиш режа қилинган эди, — дейди Жиззах вилояти ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи Муродбек Раҳмонбердиев. — Маҳалла ёшлари ўртасидаги олимпиада доирасида ўтказилаётган мусобақа ва танловларда иштирок этиш учун 413 миңдан ортқк йигит-қиз 5shabbus.uz сайти орқали рўйхатдан ўтди. Олимпиада доирасидаги барча танлов ва мусобақаларда жиизахлик 417 миңг 176 ёш иштирок этди. Беллашунинг республика босқичида жиизахлик 21 йигит-қиз совриндор бўлди. Шундан 1 нафари олтин, 9 нафари кумуш, 11 нафари бронза медалга лойиқ кўрилди. Уларнинг маҳалласида 27 та workout, 15 та универсал, 9 та streetbol-workout майдончаси қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.

Беш ташаббус олимпиадасида энг кўп Жиизах шаҳри ва Галлаорол туманидаги ёшлар голибликни қўлга киритди. Мисол учун, Галлаорол туманидаги "Мирзобулоқ" ҚФЙ ёшлари шу вақтга қадар спортнинг беш туридан мамлакатда чемпиоликни бермай келмоқда.

Галлаорол тумани Мулкуш маҳалласидаги workout майдончаси ҳамшира ёшлар билан гавжум. Беш ташаббус олимпиадасида шашка-шахмат бўйича 22-27 ёш тоифасида иштирок этиб, биринчиликни қўлга киритган Гўзал Бекбўтаева қишлоқдаги ўғил-қизларни янги чемпиолик учун тайёрламоқда.

— Биринчи ўринин олганим учун маҳалламизда workout майдончаси қуриб берилди, — дейди Гўзал Бекбўтаева. — Ушбу майдондан нафақат мактабимиз, балки бутун маҳалламиз билан бирга энгил атлетика, курашга ҳам қизиқяпти. Ушбу гамхўрликка жавобан биз ҳам халқаро мусобақаларда голиб бўлиб, ватанимиз байроғини юксакка кўтармоқчимиз.

Ёшлар давлат қудратини белгилайдиган ҳал қилувчи кучдир. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортгини ана шундай навқирон авлод ташкил қилади. Давлат гамхўрлигини ҳис этиб, ундан баҳраманд бўлаётган йигит-қизлар ҳаётда ўз йўлини топиб шаклланди.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

НИГОХ

Бугун рақамли макон ҳар биримиз учун кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига, интернет, онлайн коммуникация воситалари эса алоқанинг асосий йўналишига айланиб улгурди. Рақамли маконда ҳозир ҳамма

тарғиботчи. Кимдир зиё, кимдир қабоҳат улашмоқда. Ушбу жараён рақамли маконнинг маънавий ва ахлоқий ҳолатларини долзарб мавзулардан бирига айлантирди, десак ҳам бўлаверади.



Мақфуза ЮЛДАШЕВА, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, ТДИУ доценти, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси

Ахборотлашган дунёда контент тарғиботлар ва улардаги маънавий масаласи ҳақида сўз кетар экан, улашिलाётган контентларнинг аҳамияти ва уни тайёрловчиларнинг маҳсулотни тайёрлашга қай тарзда ёндашиб, қандай манфаатларни кўзлаб глобал тармоққа жойлаштираётганини тушунишимиз ўта муҳим.


Ҳўш, нима учун рақамли тарғибот деярлик? Чунки ахборотни улашувчи уни омаллаштиришни истайди. Демак, ижтимоий тармоққа жойланиб, омаллаштириш учун узатилаётган ахборот — тарғибот курали.

Барчамиз қайси ахборот маҳсулот зарарлию қай бири фойдали эканини биладиган-демеким гўё. Аслида, ундай эмас. Рақамли платформалар билан муносабат қилиш ҳам рақамли саводхонликни билиш, юқори даражадаги салоҳият, илм ва билим демакдир. Бунинг учун узатилаётган контентлардаги рақамли тарғиботнинг мазмуни ҳамда шаклининг ахлоқий ва маънавий жиҳатларини кўриб чиқишимиз зарур.

Рақамли тарғиботнинг асосий принципи ҳақиқатни ва аниқ маълумотни тақдим этишдан иборат бўлиши керак. Ижтимоий тармоқларда бугун турли томонга йўналтирилган ёки реклама материалларида чалғитишлар ва мижозларнинг ҳис-туйғусини манипуляция қилиш ҳолатлари авж олган. Интернет муҳитида доимий равишда фойдаланувчиларга хато, чалғитувчи ёки нотўғри маълумотлар тақдим этиб борилиши жамиятда ишончсизлик ва руҳий стрессни келтириб чиқаради.

Маънавий масъулият энг асосий жиҳатлардан бўлиб, рақамли тарғибот жараёнида инсонларнинг қадриятларига ҳурмат билан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Яъни миллати, irqи, динидан қатъи назар, инсон шахсиятини камситмасдан, унинг ўзига хослигини эъзозлайдиган ва қадрлайдиган мазмундаги медиамаҳсулотлар истеъмолчиси бўлишимиз керак. Бу наинки рақамли платформадаги контентлар сифати, балки инсоннинг ҳам ахборий диди юқори эканидан далолат беради.

Ахборот маконда фойдаланувчиларга қимматли маҳсулот ёки хизматни тарғиб қилишда ҳам миллий ва ахлоқий меъёрлар сақланиши жамиятга ва аудиторияга нисбатан ҳурмат ҳисси шаклланиши белгисидир.



# РАҚАМЛИ ТАРҒИБОТ

## МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНАДИ

Бугун рақамли платформада асосий муаммолар сифатида кўрилатган ҳолатлардан бири шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларнинг қадрсизлиши ва миллий, ахлоқий қадриятлар таназзулидир. Ҳар бир фуқародаги ҳуқуқий масъулият ва жавобгарлик ҳисси интернет оламида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, яъни уларнинг шахсий ҳудудини оёқости қилмасликни талаб этади. Аммо, минг афсуски, бугун оила ичида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ижтимоий тармоқларга сиздириш орқали инсонлар онгида оила деб аталмиш қадриятларимиз кўрғонига тош отиш ҳолатлари кескин кўпайиб бораётган.

Маънавий юксакликка эришиш учун видеоконтентнинг ҳар бирида ҳам жамиятнинг, ҳам шахснинг ҳуқуқларига, шунингдек, фойдаланувчиларнинг махфийлик ҳуқуқига риоя қилиниши лозим. У ҳақто зарурий шартлардан бири бўлиши керак.

Рақамли маконнинг яна бир муҳим жиҳати фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва махфийлигини таъминлашдир. Афсуски, бугунги замонавий технология имкониятлардан ноўрин фойдаланувчи шахслар шахсийлик ва махфийликни таъминлаш дастурларига бузиб кириб, қўлга киритилган маълумотларни очиклаб, кибертеррорчилик ҳаракатларини содир этмоқда.

Интеграцияланган интернет хизматлари ва платформага ўз шахсий маълумотларини тақдим этаётган ҳар бир инсон бу маълумотларнинг қачон ва қандай ишлатилишини билишига ҳақли. Бундан ташқари, фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини рўйхатга олиш ва уларни тезда қайта ишлаш ҳуқуқи ҳам муҳим. Интернетдаги шахсий маълумотларга нисбатан бепарволик катта қийинчиликлар, жумладан, ҳақерлик ҳужуми, шахсий ҳаёт бузилиши ва анонимликнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Рақамли маконда ҳавфсизлик, техник мас-

“Маънавий масъулият энг асосий жиҳатлардан бўлиб, рақамли тарғибот жараёнида инсонларнинг қадриятларига ҳурмат билан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Яъни миллати, irqи, динидан қатъи назар, инсон шахсиятини камситмасдан, унинг ўзига хослигини эъзозлайдиган ва қадрлайдиган мазмундаги медиамаҳсулотлар истеъмолчиси бўлишимиз керак. Бу наинки рақамли платформадаги контентлар сифати, балки инсоннинг ҳам ахборий диди юқори эканидан далолат беради.

лалар қанчалик муҳим бўлса, ахборий маконнинг ахлоқий жиҳатлари ҳавфсизлиги ҳам шундай аҳамиятга эга.

Глобал тармоқнинг бизни мамнун қиладиган устуликлари кўп. Шулардан бири таълимнинг онлайн шакллари юзга келга-



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

2019 йилда “Шахса доир маълумотлар тўғрисида”ги, 2021 йилда мазкур қонунга қўшимчалар қилиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар айнан рақамли платформадаги жараёнларнинг қонунчилик жиҳатларини мустаҳкамлайди. Бугунги тезкор жараёнда шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар тақомиллаштириш керак. Уларни аниқроқ ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларига тўлиқ риоя қилувчи этиб ёки бошқа қайта кўриб чиқиш вақти етди. Ахборот манипуляцияларини аниқлаш, яъни инсонлар руҳий ҳолатига таъсир кўрсатувчи контентга қарши назоратни кучайтириш лозим.

Рақамли бизнес ва реклама соҳасида ҳам бугун ахлоқий стандартлар бўлиши шарт. Айрим оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган баъзи рекламаларда миллийлигимиздан оғин ҳолатлари кўп учрайпти. Рақамли реклама ва маркетинг соҳасидаги ахлоқий меъёрлар рекламалардаги манипуляцияларнинг олдини олишга, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ишончини сақлашга ёрдам беради.

Киберхавфсизлик бўйича давлат ва хусусий сектор, фуқаролик жамиятининг узвий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва йўлга қўйиш жамиятда кибермаданиятни кучайтиришга хизмат қилади.

нидир. У масофа ва харажат қисқариши билан бирга таълим олишнинг қулай усулини тақдим этади.

Ўзгариб бораётган геосиёсий оламда масофавий кўринишда ташкил этилаётган ўқув курслари назорати масаласи ҳам инсонни жиддий ҳавотирга солади. Тил, дин, маданият ўргатиш негизига ўқув курслари асосчиси нимани кўзламоқда, радикаллашув, шовинистик агрессив ҳаракатлар, “оммавий маданият”ни омаллаштириш эмасми? Уларнинг рақамли тарғибот услуларида фойдаланиш даражаси юқори экани сабаб эртага биз яқинларимиз, ёшларимизни уларнинг қўлига бериб қўймаймиз, деган ҳавотирли саволларни ўзимизга беришимиз ва ижтимоий назоратни кучайтиришимиз керак.

Шу ўринда мактабга таълим ташкилоти, мактаб, олий таълимда фарзандларимизга технология билимлар билан бирга ахлоқий қондаларни ҳам синдириб беришимиз лозим. Чунки рақамли макон ёш авлодга таълим-тарбия беришда катта аҳамиятга эга. Интернет ва ижтимоий тармоқлар кундалик хабарлар манбаи бўлибгина қолмай, инсонларнинг фикр ва ҳис-туйғуларини ҳам шакллантириб улгурган. Тармоқларнинг инсонларга, уларнинг психологияси ва ижтимоий муносабатларига ҳам таъсир этиб бораётганини кўриб турибмиз. Бу ўринда ўқувчиларга интернет хавфсизлиги, шахсий

маълумотларни ҳимоя қилиш, ёлгон ахборотлардан қочиб ва шовмашошарликнинг хавфлари ҳақида махсус дарслар ташкил этилиши жуда ҳам муҳим.

Шунингдек, ёшларнинг рақамли саводхонлигини ошириш учун мутасадди ташкилотлар билан доимий тренинг ва вебинарлар ўтказилиши лозим. Рақамли маданиятни шакллантириш, яъни жамиятда ахлоқий ва маънавий қадриятларини интернет муҳофазасига мувофиқлаштиришга қаратилган маънавий таълим тизимини жорий этиш зарур. Бу тизим ёшларга интернетда ҳалоллик, ишонч, сўз эркинлиги ва ҳақиқий ахборотларни тарқатишни ўргатишни ўз ичига олиши керак.

Бунинг учун ҳар бир рақамли контент, реклама ёки ахборот фойдаланувчисига, айниқса, ёшларга маънавий ҳамда ахлоқий жиҳатдан ишончли маърузалар тақдим этилиши лозим. Шу билан бирга, интернетдаги хавфҳатарлар, шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш каби ахлоқий меъёрлар ҳақида тушунарли бериш зарур.

Рақамли маконда барча ижтимоий гуруҳларнинг тенгликка асосланган иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, аёллар, ногиронлиги бор шахслар, интернетга улашиш имконияти бўлмаган, олис ҳудудлардаги фуқаролар учун махсус дастур ва ресурслар яратиш ҳам рақамли тарғибот йўлидаги муҳим жиҳатлардан.

Бугун рақамли маконнинг имконияти кенг, тақдим этилаётган контентларни кўриш учун фойдаланувчилар танлови мавжуд. Замонавий технологик жараёнлар бир жойда депсиниб турмапти. У тараққиёт манзили сари илдам бормоқда. Шунингдек, инновацион янгиликлар, имкониятлар билан бойитилди. Агар инсон технологияни бошқара олмаса, технология инсонни бошқаради.

Рақамлаштирилган дунё, рақамлаштирилган онг, сунъий индир бугун бизни ижобий маънода ҳавотирга солиши лозим. Бу маконга юксак тафаккур ва маданият билан ўз танловига эга фойдаланувчи, ихтироий сифатида кириб боришимиз керак. Бугун замонавий технологик имкониятлар — сунъий интеллект, роботлар дунёси ва бошқа кенг тарздаги инновацион янгиликларни жамиятнинг бир қисми маъқулласа, иккинчи қисми салбий қабул қилади. Рақамли маконнинг маънавий асослари, ахлоқий, этикавий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиши келажакда биз учун янги дунёнинг ишончли ва барқарор асосини яратиши мумкин. Инсонлар интернетдан ахш мақсадда фойдаланса, шубҳасиз, рақамли маконнинг маънавий ривожига хизмат қилади.

Янгиликларни бутун инсониятга тезкор тақдим этаётган технологиянинг кескин ўсиш суръатини инобатга олган ҳолда маънавий тарғибот масалаларига ҳам янгича — “рақамли маърифат” тамойили асосида ёндашув зарур. Бунда фуқаролар ва жамиятнинг ижобий ривожланишига ундайдиган, узатилаётган ҳар бир медиамаҳсулотга муқобил таҳлилий муносабатлар учун ахлоқий, миллий қадриятларимиз устувор рақамли

тарғибот услуларида кенг фойдаланиш, уларни тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Рақамли маконнинг маънавий юксалиши фақат техник муаммоларни ҳал қилиш эмас, балки жамиятни яхшилаш, инсонларнинг муносабатлари, ахлоқ ва маданият қондаларини рақамли ахборот воситаларига мослаштиришдан иборат. Бундай ёндашув, ўз навбатида, келажакда рақамли маконнинг маънавий ва ахлоқий аҳамиятини янада мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда интернетнинг кенг тарқалиши ва рақамли маконнинг ривожланишига назар солсак, 2024 йилда интернет фойдаланувчилари сони 20 миллион кишига етган. Бу мамлакат аҳолисининг 70 фондан ортқ қисминини ташкил этади. Яъни ҳар учинчи ўзбекистонлик интернет фойдаланувчиси бўлиб, ёшлар орасида интернетга улашиш юқори суръатда ўсгани қайд этилмоқда. 16-24 ёшли ўқувчилар ва ёшлар орасида интернетдан фойдаланувчилар сони ҳам дестри 70 фонз атрофида. Бу рақам жамият ёш авлодининг рақамли маконда фаоллигини кўрсатади.

2023 йилда Facebook, Instagram, Telegram ва TikTok каби ижтимоий тармоқларда 15 миллионга яқин ўзбекистонлик фойдаланувчи фаол бўлган. Бу рақамлар жамиятдаги интернетга улашиш кўрсаткичи ва фойдаланувчиларнинг ўзаро алоқасини билдиради. Юқоридаги таҳлиллардан Ўзбекистонда рақамли маконнинг маънавий ва ахлоқий асослари йилдан йилга муҳим масалага айланиб бораётгани кўринади.

Интернет хавфсизлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя этиш, ёшларга рақамли тарбия бериш ва ахлоқий стандартларга амал қилиш давлат ва жамият даражасидаги этиборни талаб қилмоқда. Бугун дунё миқёсида ҳам ушбу масалалар долзарб саналади. Ўзбекистонда интернетдаги ёлгон ахборот тарқалишига қарши курашиш учун қонунчилик тақомиллаштирилмоқда.

Жаҳонда интернет фойдаланувчиларини ахлоқий ва маънавий нуқтан назардан тарбиялашга йўналтирилган турли дастурлар мавжуд. Масалан, Европа ва АҚШда интернет фойдаланувчиларини ёлгон ахборот ва шовмашошарликдан ҳимоя қилиш бўйича махсус таълим дастурлари ташкил этилган. Ўзбекистонда бу соҳадаги ишларни янада кучайтириш, ёшларни интернетдаги хавфҳатарлардан хабардор қилиш ва маънавий тарбия масалаларини кучайтириб бориш — бугунги кун талаби.

Рақамли дунёнинг ўзига хос тарғиботлари бор. Ҳар қим ўзини истаганича намоён қилиши мумкин. Аммо унутмаслик керак: ижодий маҳсулот тақдим этаётганимизда миллий менталитетимизга ёт бўлган, миллат қиёфасига беҳурматликка йўғрилган асарларни узатишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Унутманг, истеъмолчилик орасида оила аъзоларингиз, яқинларингиз ҳам бор! Эҳти-мол, миллат ори деб айна дамда сизнинг ахборот узатиш, тайёрлаш ҳуқуқингизга даҳл қилаётган кўринаётган дунёда, аммо эртага келажак авлод рақамли тарих орқали сизнинг қим ва қандай одам эканингизга баҳо беради. Жамиятга гоъвий саз асарларни сингиртиш, Ўзбекиона қиёфани энгил-елли роллар орқали кўрсатиш тарғиботчиси ва муаллим сифатида бир кун зингизга ерга қараб қолиши мумкин.

Рақамли тарғиботингизни юксак билим ва тафаккур устига қуриш. Биз ундан маънавий озуқа олайлик! Аслида, мана шу юрт фуқароси сифатида рақамли макон маънавий ривожлантиришга, жамиятнинг барқарор ва ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам бўлишига барчамиз масъулмиз!

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.  
36060 нусxada босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет услулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов  
Мусахҳис: Аслидин Абдуразақов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй  
ЎЗА якуни — 22:05 Топширилди — 22:30